

Қўйидагилар кафедра катта ўқитувчисининг **вазифалари** ҳисобланади:  
шахсий иш режасида кўрсатилган барча тадбирларни сифатли ва ўз  
вақтида ўтказиш;

кафедра ўқув жараёнида фаол қатнашиш, уни тўғри ташкил этишда  
норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

ўзининг интеллектуал даражаси, илмий малакаси ва кўникмаларини  
махсус билимлар билан такомиллаштириши хамда педагогик маҳоратини  
доимий равиша ошириш;

ўқув жараёни, методик ва илмий-тадқиқот ишларини  
режалаштиришда иштирок этиш;

кафедрада ўқитилаётган фанлар бўйича методик материалларни ишлаб  
чикиш;

ўқув жараёнида ўқитишнинг замонавий интерактив услублари,  
шакллари ва техник воситаларидан фойдаланиш;

кафедрадаги ўқув-методик воситаларини, захираларини  
такомиллаштиришда иштирок этиш;

шахсан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва унинг натижаларини  
ўқув жараёнига татбиқ этиш;

кўргазмали очиқ машғулотларни ўтказиш, ўқитувчиларга педагогик  
маҳорат сирларини мунтазам равиша ўргатиб бориш;

tinglovchilarning кафедрада ўқитилаётган фанларни ўзлаштириш  
жараёнига индивидуал ёндашиш, мазкур жараёнга уларнинг шахсий  
хислатлари таъсирини билиш, уларнинг билимларини объектив баҳолашни  
ташкил этиш;

ёш ходимларга мураббийлик қилиш;

ўзига бириклирлган хизмат хоналари ва бошқа обьектлар, шунингдек  
кундалик фаолиятда ишлатиладиган техник воситалар ва бошқа моддий  
бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни яроқли ҳолда сақлашни амалга  
oshiishi.

юридик кадрларни касбий қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича  
давлат талабларига мувофиқ тузилган ўқув дастурларида белгиланган  
маъruzalар, амалий ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий-  
услубий ва касбий даражада ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини, амалга ошираётган  
ислоҳотларни, соҳага оид қонунчиликдаги янгилик ва ўзгаришларни  
мукаммал билиш, уларни тингловчиларга тушунтира олиш;

tinglovchilarning билимлари, маҳоратлари ва кўникмаларини назорат  
қилишни ташкил этиш ва илмий-услубий таъминлашда иштирок этиш;

тегишли мавзулар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш, маъruzalар ва  
бошқа материаллар юзасидан ахборот базасини яратиш;

масофали таълим тизимини ривожлантиришда иштирок этиш;

ўқув дастурларини такомиллаштириш масалалари юзасидан таклиф ва  
тавсиялар ишлаб чикиш;

ўқув жараёнида тингловчиларда танқидий фикрлашни шакллантириш;

тингловчилар билан ўзаро муносабатларда ахлоқий ва нутқ маданиятини қўллаш;

хуқуқий тарғибот ишларида, қонун хужжатлари лойиҳалари экспертизаси ва уларни шарҳлашда иштирок этиш;

кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омилларни, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш юзасидан зарур кўникумаларга эга бўлиш.

Кафедра доценти бевосита кафедра мудирига ҳисобот беради.